

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАҚ раиси

2019 йил

Б ва ИҚ каф. мудири



Н.А. Асатов  
2019 йил

ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ

Мавзу: Самарканд шаҳрида қурилиши режалаштирилган ҳокимият биносини лойиҳалаш.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ (ЛОЙИҲАСИ)НИНГ ТАРКИБИ

Тушунтириш қисми

67

бет

График қисми

6

варак

Талаба:

Рустамов Ихтиёр

Диплом лойиҳаси раҳбари:

Алиев Машраб

ҚИСМЛАР БҮЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР:

1. Архитектура-қурилиш ..... Алиев М.

2. Қурилиш конструкциялари ..... Алиев М.

3. Қурилиш жараёнлари технологияси ..... Мингяшаров А.

4. Иқтисодий қисм ..... Сиддиқов М.

5. Ҳаёт фаолияти ва хавфсизлиги ..... Тиркашева М.

6. Экология ва атроф мухит муҳофазаси ..... Тиркашева М.

2605 21. 2019

ТАҚРИЗЧИЛАР:

- Боғриданко С.Р.
- Алиев М.

ЖИЗЗАХ-2019 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ  
“БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ” КАФЕДРАСИ**

ТАСДИКЛАЙМАН  
“Бино ва иншоотлар қурилиши”  
кафедраси мудири  
  
N.A. Асатов  
январь 2019 йил

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ (ЛОЙИҲАСИ) БҮЙИЧА**

**ТОПШИРИҚ**

Талаба : Рустамов Иҳтиёр Бахтиёрович

1. Битирав малакавий иши (лойиҳаси)нинг мавзуси: Самарканд шаҳрида қурилиши режалаштирилган ҳокимият биносини лойиҳалаш

Битирав малакавий иши (лойиҳаси) мавзуси институт ректорининг “26” декабрь 2018 йилдаги 495-т сонли буйруги билан ТАСДИКЛАНГАН.

2. БМИ (лойиҳаси)ни топшириш мўддати. “22” июнь 2019 йил.

3. Битирав малакавий иши (лойиҳаси)ни бажаришга доир маълумотлар: амалдаги лойиҳалаш ва қурилиш ишларини бажариш учун меёрий хужжатлар, ўкув қўлланмалари ва битирав олди амалиётида тўпланган маълумотлар.

Ж. И. Ж. 201.05-07. Негола конструкциялар  
Декоб с. Мухин Н. Присудчча прошъи сиден-  
хисъ ўззини М. Асси чароиде оғодлашни  
буюз 1998 й.

4. Витирав малакавий иши (лойиҳаси) тушунтириш қисмиининг таркиби:

- Кириш
- Архитектура-қурилиш бўлими
- Қурилиш конструкциялари
- Қурилиш жараёнлари технологияси
- Иқтисодий қисм
- Ҳаёт фаолияти ва хавфсизлиги
- Экология ва атроф мухит муҳофазаси
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати











Изоҳ: битирав малакавий иши тушунтириш ёзувининг ҳажми камида 10-15 минг сўздан иборат бўлиш шарт.

5. Битирув малакавий иши (лойиҳаси)нинг график қисми таркиби:






- Қават режалари M1:100; 1:200;
- Кўндаланг ва бўйлама қирқимлар M1:100; 1:50;
- Конструктив режалар M1:100; 1:200;
- Бўйлама ва кўндаланг фасад M1:100; 1:200;
- Бош режа M 1:500; 1:1000;
- Алоҳида бирикмалар ва деталлар M1:10; 1:20;
- Конструкциянинг хисобий вараги M1:100; 1:200;
- Технологик карта M1:100; 1:200;

Изоҳ: битирув малакавий иши график қисми 5-6 варакдан иборат бўлиш шарт.

6. Битирув малакавий иши (лойиҳаси) бўйича маслаҳатчилар:

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Топшириқ берилганлиги хақида белги (имзо, сана)	Топшириқни бажарилганлиги хақида белги (имзо, сана)
1.	Архитектура-курилиш бўлими	Алиев М.Р.		
2.	Курилиш конструкциялари	Алиев М.Р.		
3.	Курилиш жараёнлари технологияси	Мингяшаров А.Х.		
4.	Иқтисодий қисм	Сиддиқов М.Ю.		
5.	Ҳаёт фаолияти ва хавфсизлиги	Тиркашева М.Б.		
6.	Экология ва атроф мухит муҳофазаси	Тиркашева М.Б.		

7. Битирув малакавий иши (лойиҳаси)нинг бажарилиш режаси:

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажарилиш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси (имзо)
1.	Архитектура-курилиш бўлими	14.01.2019-02.03.2019 й.	
2.	Курилиш конструкциялари	04.03.2019-13.04.2019 й.	
3.	Курилиш жараёнлари технологияси	15.04.2019-18.05.2019 й.	
4.	Иқтисодий қисм	20.05.2019-01.06.2019 й.	
5.	Ҳаёт фаолияти ва хавфсизлиги	03.06.2019-08.06.2019 й.	
6.	Экология ва атроф мухит муҳофазаси	10.06.2019-22.06.2019 й.	
7.	Кафедрада химоя	24.06.2019-29.06.2019 й.	
8.	ДАК да химоя	01.07.2019-06.07.2019 й.	

Битирув малакавий иши (лойиҳаси) раҳбари:

Алиев М.Р.

(фамилияси, исми шарифи)



(имзо)

Топшириқни бажаришга олдим:

Рустамов И.

(фамилияси, исми шарифи)



(имзо)

Топшириқ берилган сана:

“ 14 ” январь 2019 йил

## МУНДАРИЖА

т/с	Бўлим номи	Бет
	Кириш	<i>2</i>
1-БЎЛИМ	АРХИТЕКТУРАВИЙ - ҚУРИЛИШ ҚИСМИ	<i>4</i>
1.1	Курилиш туманинг таснифлари	<i>4</i>
1.2	Ҳажмий - тархий ечимлар	<i>6</i>
1.3	Бош тарҳ	<i>2</i>
1.3.1	Конструктив ечимлар	<i>8</i>
1.3.2	Пойдеворлар	<i>8</i>
1.3.3.	Деворлар	<i>11</i>
1.3.4	Пардадеворлар	<i>19</i>
1.3.5	Поллар	<i>16</i>
1.3.6	Зиналар	<i>19</i>
1.3.7	Колонналар	<i>19</i>
1.3.8	Тўсинлар	<i>19</i>
1.3.9	Қаватларап ёпмалар	<i>20</i>
1.3.10	Томлар ва том қопмалари	<i>20</i>
1.3.11	Том қопламаси	<i>20</i>
1.3.12	Эшиклар ва деразалар	<i>20</i>
2-БЎЛИМ	ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ҚИСМИ	<i>21</i>
2.1	Курилиш конструкцияларини ҳисоблаш	<i>22</i>
3-БЎЛИМ	ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ БЎЛИМИ	<i>29</i>
3.1	Ер ишлари ҳажмини ҳисоблаш.	<i>29</i>
4-БЎЛИМ	ИҚТИСОДИЁТ ҚИСМИ	<i>38</i>
5-БЎЛИМ	ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ВА ҲАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ	<i>54</i>
5.1	Курилишни ташкил этиш ва курилишдаги ишларни бажариш	<i>58</i>
6-БЎЛИМ	ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУХИТ МУХОФАЗАСИ БЎЛИМИ	<i>61</i>
6.1	Курилиш монтаж ишларини амалга оширувчи ишчилар учун Экологик муоммолар	<i>68</i>
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	<i>65</i>

## КИРИШ

Ўзбекистонда оммавий саноат бинолари қурилиши – биноларни темир бетон буюлари заводлари ва комбинатларида тайёрланган йиғма элементлардан индустрисал усуллар билан қуришга асосланган. Қурилаётган биноларнинг деярли барчаси йиғма йирик панел конструкциялардан қурилмоқда. Йиғма уйсозлик билан бир қаторда енгил бетондан монолит бинолари қурилиш ҳам ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонмизнинг халқ хўжалик тармоқлари кундан – кунга ўсиб бормоқда. Маълумки, халқ хўжалигининг ривожланиши мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш саноатининг ўсишига боғлиқ. Саноатнинг ўсиши, жуда кўп майдонга эга бўлган қурилиш обектлари қурилишига олиб келади.

Мустақил мамлакатимизда қурилиш обектларини кундан – кунга ўсиб бориши халқ хўжалигига қурилиш конструкцияларини ишлаб чиқариш индустриси пайдо бўлди. Республикализнинг бир қанча шаҳарларида боғловчиларнинг – портландсемент, тезқотувчи портландсемент, минерал қўшимчали портландсемент, шлакли портландсемент ва путссоланли портландсементлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бу корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар жаҳон талабларига жавоб берганлиги учун жаҳон бозорида чет элларга сотилиб, Республикализнинг валюта захирасини бойитишда ўз хиссасини қўшмоқда. Шу билан бирга корхоналар қайта таъмирланиб, жаҳондаги ривожланган давлатларда ишланган технологиялар жалб килинмоқда.

Маълумки, бетон ва темирбетон бугунги кунда асrimiz қурилиш материали хисобланади. Масалан таққослаш учун олингандан ривожланган давлатларда хисобланган Японияда бир кишига бир йилда ишлаб чиқарилган темир бетон ишлаб чиқилган темир бетон  $-1,85\text{м}^3$  ни ташкил этади. европа давлатларининг кўпчилигига бу кўрсатгич бу рақамга яқин юради. Бу эса жаҳон тажрибасидан келиб чиқкан холда халқ хўжалигимизнинг капитал қурилишида бетон ва темирбетон конструкцияларини ишлаб чиқариш хажмини ошириш тўғри йўналиш эканлигини кўрсатади.

Дунёнинг хамма давлатларида бетон ва темирбетонни бу даражада мувоффақиятли кўлланилишига сабаб унинг бир канча афзал кўрсаткичларидир. Афзал кўрсаткичларига тўлдирувчи сифатида саноат ва кишлок хужалик чиқиндиларини золлар, шлаклар, қазиш ишларидаги жинсларнинг ишлатилиши мисол бўлади. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришда чикиндисиз технологияни ташкиллаштириш ва бу билан мамлакатимизда экологик холат яхшиланиб, иқтисодий самарадорлик ошади.

Иншоотларни қуришда бир-хил вазифани бажаришда металл конструкцияларига нисбатан темирбетон конструкцияларда пўлат сарфининг миқдори бир неча марта кам бўлиши хаммага маълум. Олдиндан кучлантирувчи курилмаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши натижасида пўлат арматура сифатида вактинчалик каршилиги 3000 МПа ундан юкори булган пўлатларни ишлатиш имкони туғилди. Арматура сифатида юкори мустахкамликка эга булган органик ва органик бўлмаган толалар кўлланилиш кўзда тутилди. Самарали иссиклик ўтказмайдиган материалларни қўллаш ташқи томондан арматуралаш юллари билан композитсион конструкциялар тайёрланади.

Турли хилдаги боғловчилар-полимерлар, олтингугурт, суюқ шиша кучларувчан сement турларини, махсус танланган турли хилдаги тўлдирувчилар ва кимёвий кушимчаларни қўллаш билан, юкори мустахкамликка, сув ўтказмовчанлик, совуққа чидамли ва исиққа чидамлилик, турли хилдаги агрессив мухитга тургун бўлган бетон олиш мумкин.

Албатта, юкори сифатли йигма темирбетон буюмларини ишлаб чиқариш, Узбекистон Республикаси шароити учун узига хослик томонлари бор.

Ҳозирги пайтда республикамида катта қувватли қурилиш индустрияси мавжуд. Деярли ҳар бир шаҳарда йиғма темирбетон конструкциялари ишлаб чиқарадиган заводлар, уйсозлик ва қурилиш материаллари комбинатлари ишлаб турибди. Бу эса оммавий қурилишда йирик ўлчамли конструкциялардан фойдаланиш асосий йўналиш эканлигини кўрсатади. Қурилаётган уй-жой биноларининг деярли 60 фоизи йирик панели уйларга тўғри келади.

Кейинги йилларда республикамизда ғишт ва енгил бетонлардан майда девор блоклари ишлаб чиқариш бир мунча қўпайди. Аҳоли томонидан якка тартибда уй-жой қурилишида пахса, хом ғишт, синч ва гувала қаторида бу материаллар кенг қўлланилмоқда. Шахсий уй-жойлар қурилишида қаватлар сонининг қўпайиши, уйларда яратиладиган қулайликлар даражасининг ортиши кузатилмоқда.

Лойихалаштириш жараёнида архитектор бўлгуси бинонинг режасини, унинг ҳажмий-фазовий композитсиясинти тузади, иншоотнинг меъморий, бадиий, керак бўлса, ижтимоий-сиёсий қиёфасини яратади. Замонавий қурувчи эса архитектор тузган бино ёки иншоот ҳажмий-режа ечимини қурилиш материаллари ва конструкциялар ёрдамида руёбга чикаради, конструкцияларни мустаҳкамликка, устиворликка ва бошқа эксплуататсион талабларга хисоблади.

Лойихалаш ва қурилишда иштирок этувчи барча мутахассислар бир-бирларининг иш фаолияти тўғрисида зарур ҳажмда малумотга эга бўлишлари керак. Айниқса, архитектор, қурувчи билан менеджмент ўртасидаги яқин, ҳамфикрлик жуда катта аҳамиятга эга. Архитектура, қурулиш амалиёти ва қурилиш техникасининг ривожланиши бир-бирига боғлик ҳолда амалга ошади. Янги самарали қурулиш материаллари ва конструкциялар, қурилиш техникаларининг яратилиш янгн типдаги бинолар пайдо бўлишига сабаб бўлади ёки аксинча.

Менга “Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси томонидан берилган топшириқ асосида “ Самарқанд шаҳрида қурилиши режалаштирилган ҳокимият биносини лойихалаш” мавзуси бўйича малакавий диплом ишини бажариш топширилган.

## **1. АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ БЎЛИМИ**

### **1.1. Қурилиш туманининг таснифлари**

Қурилиш худуди – Самарқанд шаҳри

Иқлими - кескин континентал.

Грунтлар – агрессив эмас.

Грунтнинг музлаш чуқурлиги - 0,8м.

Ер ости сувлари ернинг юзасидан 6-8 м. чуқурлиқда жойлашган.

Майдоннинг зилзилабардошлиги - 8 балл.

Курилиш майдони шароитлари: лёссимон грунт, 1-қатlam сочиувчан грунт, қуввати 3,0 м. гача, сочиувчан грунтларни зичлаш тавсия этилмайди. 2-қатlam суглинка лёсли соғ тупроқ, макропористие қуввати 8,0 м. гача.

Қор қатлами - 50 кг/м<sup>2</sup>

Шамол босим тезлиги - 37 кг/м<sup>2</sup>.

Грунтлар – ўта чўкмайдиган (не просадочные).

Грунтнинг юк кўтариш қобилияти - R = 0,05 кг/см<sup>2</sup>,

Чўкувчанлик шароити бўйича грунтнинг тури –I I категория

Физик-механик хоссаларининг курсаткичлари - зичлик

$\gamma = 1,41-1,56 \text{ т/м}^3$ ;

Сочиувчан грунтларнинг солиштирма оғирлиги -  $\gamma = 1,85 \text{ т/м}^3$ ;

Соғ тупроқларнинг (суглинок) солиштирма оғирлиги -  $\gamma = 1,77 \text{ т/м}^3$ ;

Ички ишқаланиш бурчаги  $\phi=26^\circ 07'$ ; Грунтнинг юк кўтариш қобилияти  $c = 10,0 \text{ КПа}$ .

Ўта чўкувчанлик шароити бўйича грунт тури – чўкмайдиган (не просадочные).

Ўта чўкувчанлик қалинлигининг қуввати – 5,0 м. гача.

Бошланғич ўта чўкиш босими - 0,20 МПа.

Ишончлилик коэффициенти  $\gamma = 0,95$ ;

Бинонинг оловга бардошлилик даражаси – II.

Нисбий отметка 0,000 мавжуд бинонинг 1-қават полидан кабул килинган.

Ўртacha йилнинг хаво харорати курилиш худудида -11,7сдан 13,3С гача

Декабр ойида уртacha минимал харорат-3,3с

Асосий минимум харорат декабрда белгиланлан. Хаво харорати-29,7с тушади.

Июльда ўртача харорат +35,8с , максимум хаво харорат+42,4с дан 43.7с гача.

Самарқанд шахрининг иситилиш куни 133 кун.

Хавонинг ўртача музламайдиган давр давомийлиги 201 кундан 209 кунгача.

Ноябрдан - Апрелгача ёгингарчилик кўп бўлади.

Қорли кунлар 50-55 кунгга етади, ёккан қорнинг қалинлиги 53-79мм гача бўлади.

Йилнинг ўртача намлиги 58-66%.

Йилнинг ўртача шамол тезлиги -3.6 м/с

Музлаш чукурлиги -44-50 см

Хавонинг ўртача максимал ҳарорати 42.4.

Хавонинг ўртача минимал ҳарорати - 3.7 .

Хавонинг энг совук ойдаги ўртача намлиги - 62 %.

Хавонинг энг илиқ ойдаги ўртача намлиги - 24 %.

Январ ойидаги румб бўйича шамолнинг ўртача максимал тезлиги - 2,9 м / с.

Июль ойи учун эса шамолнинг ўртача максимал тезлиги -2.4 м / с.

Киши вақтида ишарни бажариш учун

ҚМҚ 2.01.01-94 , ҚМҚ2.01.03-96 “Зилзилавий худудларда қурилиш”.

ҚМҚ 2.01.07-96 «Юклар ва таъсирлар» Талабларига риоя қилиш керак

## **1.2. Ҳажмий - тархий ечимлар**

Самарқанд шахридаги “вилоят ҳокимлиги маъмурий” биноси Блок А ва Блок Б дан ташкил топган бўлиб, Блок А 7 қават ва Блок Б 1 қаватдан иборат.

Бинонинг тархи тўғри тўртбурчак шаклга эга бўлиб, 1 қават баландлиги 4,2 м, қолган қаватлар баландлиги эса 3,6 м ни ташкил қиласи.

Ҳамма хоналар технологик ва санитария нормаларига мувофиқ лойиҳаланган.

Ҳажмий-тархий ечимлар асосида иморатнинг ўлчамлари ва шакли қабул қилинади. Самарқанд шаҳридаги “вилоят ҳокимлиги маъмурий биноси” тархдаги ўлчамлари 1-17 ўқлари бўйича 79,2 м, А-Р ўқлари бўйича 72,0 м, ни ва умумий баландлиги 28,53 м, ни 1 қават баландлиги - 4,2 м, Қолган қаватлар баландлиги 3,6 ни ташкил этади.

Самарқанд шаҳридаги “вилоят ҳокимлиги маъмурий” биносининг конструктив схемаси – каркасли комплекс конструкциядан иборат бўлиб, ғишт билан тўлдирилган.

Самарқанд шаҳридаги вилоят ҳокимлиги маъмурий биноси конструктив ечимларига, материалларига ва бинони пардозлашга қўйиладиган талаблар:

-бинонинг интерьери ва ташқи пардозини ечишда, бинонинг узоқ хизмат қилишини, ёнгинга ва санитария талабларига жавоб берувчи замонавий пардозлаш материаллари ва ашёларини ишлатиш керак.

Лойиҳада қўйидагилар кўзда тутилади:

- деворлар қалинлиги 700мм ғиштли;

- пардадеворлар ғиштли қалинлиги 150мм, цементли-қумли қоришмада сувоқ қилинади. Керамик плиткалар қопланади, водоэмультсия бўёклари ва эмаль билан бўялади.

Қаватлар шипи осма "Армстронг" дан тайёрланади.

Поллар санузелларда керами плиткадан қалинлиги 5мм; йўлакларда, холларда, ошхонада ва ҳолларда керамик плиткадан қалинлиги 15мм, ходимлар хонасида, гардеробхонада шунингдек маъмурий хоналарда ламинат билан лойиҳаланган.

Дераза ва витражлар: алюминийдан иборат.

Эшиклар: ёғочдан лойиҳаланган.

Тарзларни ташқи пардозлаш: “Алюпан“ композит панеллари қопланади.

Том қопламаси: том ёпма гидроизоляциядан иборат.

### **1.3. Бош тарх**

Самарқанд шаҳридаги “вилоят ҳокимлиги маъмурий” биноси 7 қаватли бино қурилиши кўзда тутилган.

Муҳандислик тайёргарликлари мавжуд рельеф билан биргаликда боғланган ҳолда ечишган. Бино ва иншоотлар юзасидан сувларни тезда кетказиши ирригация схемалари билан таъминланган. Ариқлар трапеция кесимли ирригация лотоклари билан қопланади. Худудни ободонлаштириш тархида янги З қатламли қалинлиги 12 см. бўлган асфальт бетон қопламани қалинлиги 15 см. Бош тарз томонидан шағал ва қумли асосга брускаткалар ўрнатилади. Мавжуд тротуар бир қатламли қалинлиги 5 см. бўлган асфальт-бетон қоплама билан беркитилади.

Асфальт бетон қопламани чеккалари бордюр тошлари билан маҳкамланади.

Худуд иложи борича максимал равишда қўкаламзорлаштирилади.

Бунда, ер ости муҳандислик коммуникациялари трассаларининг ўтишини ва бино ҳамда иншоотларга ёнгин автомашиналарини кириб келиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Қисқа муддатли дам олиш жойларида ташқи ободончилик элементлари яъни, ўриндиқлар ва урналар ўрнатиш кўзда тутилган.

### **Техник-иктсодий курсаткичлар**

Участка майдони – 0,604га.

Қурилиш майдони – 1,745 га.

### **1.4. Конструктив ечимлар**

#### **1.4.1.Пойдеворлар**

Пойдеворлар - ер ости конструкциялари бўлиб, ўзидан юқорида турган конструкциялар оғирликларини қабул қилиб, грунтларга узатиб берувчи

конструкциялардир. Пойдеворга юқоридан девор ва устунларнинг ҳусусий оғирлиги, пастдан эса заминнинг тескари босими таъсири этади.

Иншоот замини деганда юқоридан тушаётган юкни қабул қиласиган ҳамда шу юк таъсирида кучланиш ва деформация ҳолатида бўладиган грунт массаси тушунилади. Замин қанча кам ва текис деформацияланса, унинг курилиш сифатлари шунча юқори бўлади; иншоотда қўшимча кучланишлар шунча кам ҳосил бўлади.

Иншоот ва грунтга мос пойдевор танлаш лойиҳалаштиришнинг муҳим масалаларидан биридир. Замин ва пойдеворларнинг бир неча вариантини техник иқтисодий анализ қилиш йўли билан унинг ишчи варианти қабул қилинади. Пойдеворлар етарли даражада мустаҳкам, пухта, совуққа ва ер ости сувларининг агрессив таъсирига чидамли бўлиши керак. Пойдеворнинг тархдаги ўлчамлари шундай олиниши керакки, юқоридан тушаётган ҳисобий юклар таъсирида пойдевор остки сиртида ҳосил бўладиган ўртacha босим, грунтга бериладиган босимдан ортиб кетмасин; пойдеворнинг чўкиши нормада кўрсатилган даражада бўлиши керак. Ҳар қандай пойдевор лойиҳасида иккита характерли текислик бўлади, иншоот таянувчи устки сирт (устки текислик) ҳамда грунт билан туташиб турувчи остки сирт (остки текислик). Пойдеворлар чуқурлиги, юк таъсирида ишлаш характери, конструктив шакли, материали, вазифаси ҳамда ишланиш услубига кўра бир неча турларга бўлинади. Чуқурлигига кўра саёз ва чуқур (ертўлали) пойдеворлар бўлади.

Лойиҳа шаклига кўра алоҳида, яхлит лентасимон, массив, аралаш ва қозиқли пойдеворлар бўлади.

Иморатларнинг катта ёки кичиклигига қараб, пойдеворларга тушадиган юкнинг вазни ҳам ҳар хил бўлади. Айни бир пайтда пойдевор заминидаги грунтнинг физик механик хоссалари ҳам турличадир. Шунинг учун ҳам пойдеворларнинг чуқурлиги бирдай бўлмайди. Пойдевор туби ер

сиртига қанча яқин бўлса, у шунча арzon тушади, шу боисдан пойдеворларни юзароқ олишга ҳаракат қилинади.

Бироқ грунтнинг юқори қатламлари кўпинча заминга қўйиладиган талабларни қондира олмайди.

Юқори қатлам грунтлари, биринчидан, ўта сиқилувчан ва кучсиз бўлади, иккинчидан, ёғин сочин ҳамда ўсимликлар таъсирида ўз хажми ва мустаҳкамлигини муентазам ўзгартириб туради.

Пойдеворнинг рационал чуқурлигини танлаш бинонинг лойиҳасига ва вазифасига, пойдеворга бериладиган юкнинг миқдорига, қурилиш майдончасининг геологик ва гидрогеологик шароитига, шунингдек грунтнинг музлаш чуқурлигига боғлиқдир. Ана шу шароитларни ҳисобга олиб, пойдевор чуқурлиги бир неча вариантда ишлаб чиқилади ҳамда иқтисодий жиҳатдан энг тежамлиси қабул қилинади. Агар грунт кўпчийдиган (хажми кенгаядиган) бўлса, пойдевор чуқурлигини белгилашда грунтнинг музлаш ва эриш сатҳи ҳисобга олинади, чунки бундай грунтлар музлагандаги кенгаяди, эриганда чўкади. Пойдеворнинг туби музлаш доирасида бўлса, унга грунтнинг кенгайишидан ҳосил бўладиган босим кучи таъсир этади. Агар босим кучи пойдеворнинг грунтга берадиган босимидан катта бўлса, у ҳолда пойдевор нотекис кўтарилиши, грунт эриганда эса, нотекис чўкиши мумкин. Бу ҳол пойдевор мустаҳкамлигига салбий таъсир этади.

Лойиҳаланаётган Самарқанд шаҳридаги “вилоят ҳокимлиги маъмурий” биносининг пойдеворлари монолит темир – бетонли лентасимон пойдеворлардир. Рама стойкалари тагида эса устунсимон қилиб лойиҳаланган.

Пойдеворларни грунтларга ўрнатишдан аввал қуйидаги тайёргарлик чораларини кўриш зарур.

Котлован қазиб, ўсимлик қатлами, ҳамда сочишувчан грунт қатламини олиб, қурилиш майдончасидан ташқарига олиб бориб ташлаш керак. Бино периметри бўйича асфальт бетон отмостка шағал асосга кенглиги 1,5 м. қалинлиги,  $t = 100\text{мм}$ . қилиб лойиҳаланган. Пойдеворларни тагидан бошлаб,

каркас колонналари учун арматуралар ўрнатиш кўзда тутилган. Грунт кучли агрессив муҳитга эга бўлганлиги учун пойдеворларни ўрнатишида сульфатга чидамли портландцемент қабул қилинган ва пойдеворни грунтга тегиб турадиган ён томонларига 2 маротабалаб иссиқ битум суртилади.

#### **1.4.2. Деворлар ва пардадеворлар**

Девор конструкцияларини танлаш, биноларни лойиҳалашда энг асосий масалалардан биридир, чунки деворларнинг қиймати, бутун бино қийматининг муҳим қисмини ташкил этади. Бинонинг мустаҳкамлиги ва устиворлиги: юклар турига, материаллар сифатига, деворларнинг бошқа конструкциялар билан боғланиш системасига, бинонинг яратилиш ва эксплуатация қилиш шарт – шароитларига боғлиқ. Савдо ва майший хизмат, соғломлаштириш мужмуаси биносининг тўсиб турувчи конструкциялари сифатида ғиштли деворлар ишлатилади. Ғиштли деворлар қалинлиги 700 мм. бўлиб, М75 маркали ғиштдан М50 қоришмада тайёрланади. Ғиштин теримлар сеткалар билан арматураланган бўлиб, қадами 675 мм. ни ташкил қиласи. Ғиштин теримлар штукатуркалар билан сувоқ қилинади, ҳамда фасадда ишлатиладиган бўёқлар билан бўялади. Фасадни бўяш ишлари фақатгина декоратив мақсадларда эмас, балки бинонинг узок муддатлилигини ҳам оширади, чунки ташқи ҳаво муҳити агрессив бўлганда, бўёқнинг плёнкаси девор сиртини ташқи муҳит таъсирларидан сақлайди. Пойдеворларнинг чуқурлиги носейсмик районлардаги каби олинади. Юк кўтарувчи деворлар остида лентасимон пойдевор ишлантиш мақсадга мувофиқдир. Пойдеворлар монолит ёки йиғма бетондан ишланиши мумкин.

Бинонинг остки деворлари пойдевор ёки ертўла деворларидан чиқиб турган арматураларга маҳкамланади. Агар пойдевор йиғма бўлса, девор остига монолит темир - бетондан ёстиқ ишланади. Агар ертўла бўлмаса, йиғма бетон блоклар устига 100 мм. қалинликда ётқизилган темир бетон камар ёрдамида бир - бирига боғланади. Камар устига ташқи ва ички

деворлар ўрнатилади, чиқариб қолдирилган арматуралар кавшарланади, сўнг 250 маркали бетон билан яхлитланади.

Деворлар ўзини-ўзи кўтариб турувчи бўлиб, қалинлиги 700мм, маркаси М75 бўлган ғиштлардан маркаси М50 бўлган растворларда тикланади.

Бино комплекс конструкциялардан лойиҳаланган.

Конструктив схемаси – қайишқоқ (гибкая) монолит темир-бетон каркасли юк кўтарувчи ригеллардан иборат рамали қилиб лойиҳаланган.

Ушбу лойиҳаланаётган Самарқанд шаҳридаги “вилоят ҳокимлиги маъмурий” биносида ғиштли арматураланган пардадеворлар ишлатилган.

Бинода ишлатилган ҳамма пардадеворларнинг қалинлиги 150 мм. га тенг. Пардадеворлар қуриш олдидан қўйидаги ишлар бажарилади:

- Пардадеворнинг бўйлама ўқи, асосий деворларга туташадиган жойлари, эшик ўрни режаланади ва унинг ўлчамлари кўрсатилади;
- Пардевор асоси қоришка қўйиб текисланади ёки антисептик воситалар шимдирилган ёғоч таглик ўрнатилади;
- Андазалар, режа тахталар ва бошқа мосламалар ўрнатилади.

Пардадеворлар ўрнатилгандан кейин ҳамма чокларини шпаклевка қилиш керак ва ҳамма ёғоч элементларни антипирен билан тўйдириш лозим.

#### **1.4.3. Юк кўтарувчи каркас**

Самарқанд шаҳридаги “вилоят ҳокимлиги маъмурий” биносининг колонналари металл колонналардан иборат бўлиб, двутавр 400 мм қилиб лойиҳаланган.

#### **1.4.4. Ригеллар**

Ригеллар металл швеллер ва двутаврдан иборат бўлиб, бази ригеллар двутавр 400x165 ва 300x135 данташкил топган, қолган қисми эса 200 лик швеллердан ибораттур. Улар бир бирларига пайвандланиш орқали бириктирилади. Аксарият ҳолларда швеллерларни бир бирига пайваедланади.

#### **1.4.5. Қаватлараро ёпмалар**

Қаватлараро ёпмалар ички юк кўтарувчи ва тўсиб турувчи

горизонтал конструкциялар бўлиб, бинонинг баландлиги бўйича қаватларга бўлиб туради. Қаватлараро ёпмалар ўзининг хусусий оғирлигини, вертикал тўсиб турувчи конструкциялар юкини, ундан ташқари, интеръерда жойлашган предметлар, асбоб ускуналар, одамлар юкларини қўтариб бу юкларни бинонинг юк қўтарувчи деворига узатиб беради. Қаватлараро ёпмалар овоз изоляцияси ва иссиқлик изоляцияларини таъминлайди, ҳамда қаттиқлик ва мустаҳкамлик талабларига жавоб беради. Қаватлараро ёпмалар муҳимлиги, конструктив тузулишининг мураккаблиги ва нархига кўра бино деворлари каби муҳим ва маъсулиятли конструкция ҳисобланади.

Қаватлараро ёпмалар умумий бино нархининг 20 %, сарфланган меҳнат миқдори 25% ни ташкил қилади. Қаватлараро ёпмалар жойлашиш ўрнига кўра:

- а) қаватлараро ёпмалар;
- б) чордоқдан ажрагиб турувчи ёпмалар;
- в) ертўла қаватидан ажратиб турувчи ёпмаларга бўлинади.

Акустик хусусиятларига кўра: а) акустик бир таркибли; б) акустик кўп таркибли. Конструктив турига кўра: а) тўсинли; б) йиғма темир-бетон панеллардан қилинган; в) яхлит темир-бетон; г) тўсинсиз ёпмалар. Статик ишига кўра ёпмалар асосан эгилишга ишлайди.

Қаватлараро ёпмаларнинг эгилиш чегараси, ёпма узунлигининг 1/200 - 1/400 дан ортмаслиги керак. Ёпмаларга таъсир этувчи кучлар ёпмаларнинг конструктив турини танлашда асосий омил ҳисобланади.

Энг оммавий ҳисобланадиган қаватлараро ёпмалар тури ичи кавакли плиталардир. Бу турдаги плиталар унификацияланган ва индустрiali бўлиб, саноат фуқаро бинолари қаватлараро ёпмаларининг асосий хили ҳисобланади. Қаватлараро ёпмаларнинг темир-бетон балкали тури ҳам кенг тарқалган.

Сейсмомустаҳкам биноларнинг ёпма панеллари хона ўлчамида ясалиб, тўрттала қирраси билан деворга тиравиши лозим. Ёпма панеллар яхлит ёки ғовакли плиталардан тайёрланади. Агарда ёпма алоҳида

элементлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда элементлар мустаҳкам бирикиб, сейсмик кучларни тақсим қилаоладиган, бикир горизонтал диск ҳосил қилиши керак. Бунинг учун панель чеккаларида ўйиқлар ва очик арматуралар қолдирилади. Арматуралар қўшни элемент арматуралари билан кавшарланади, сўнг ўйиқлар бетон билан қопланади. Натижада ҳосил бўлган шпонка туташ панелларнинг ўзаро силжишига ва узилишига қаршилик кўрсатади.

Лойиҳаланаётган Самарқанд шаҳридаги вилоят хокимлиги маъмурий биносининг конструкцияларида темир бетон қаватлараро ёпмалар ишлатилган. Қаватлараро ёпмалар ва ёпмалар-йигма ғовакли плиталардан иборат.

Плиталар деворларга 120 мм. масофада таянтирилиб, қўшни плита ва деворлар билан анкерлар ёрдамида боғланади.

Плита орасидаги чоклар цемент қоришмалари билан зичлаб тўлдирилади. Шип томондан юклар таъсиридан емирилмаслиги учун плитани деворга таянган жойидаги тешиклар 200 маркадан кичик бўлмаган бетон билан тўлдирилади.

#### **1.4.6. Томлар**

Бинонинг тепа қисмини ёпиб турувчи конструктив элементлар том ёпмаси деб аталади.

Том ёпмаси чордоқли, чордоқсиз, катта пролетли текис ва фазовий (катта оралиққа эга бўлган) турларга бўлинади.

Томлар биноларни атмосфера ёғингарчиликларидан сақлашдан ташқари қишида хона ичидаги ҳароратини бир меъёрда сақлаб туриш, ёзда эса уни қуёш таъсирида қизиб кетишдан сақлаш вазифасини ҳам бажаради.

Томлар ёпиб турувчи (ўровчи) қисмдан ва улардан тушадиган юкларни (доимий ва муваққат) кўтариб турувчи конструкциялардан иборат бўлади.

Томлар қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак. Улар ўзига тушадиган доимий (хусусий оғирлиги) ва муваққат юкларни (кор, шамол ва ишлатилиш даврида тушадиган бошқа юклар) кўтариб тура оладиган бўлиши

лозим. Томни ёпиб турувчи қисми ўзидан сув ўтказмайдиган, намлик, ҳаводаги агрессив химиявий моддалар таъсирига, қуёш радиацияси, совуқса, қуёш қиздиришига чидамли, қуриб қолмайдиган ва эриб кетмайдиган бўлиши керак.

Томларга қўйиладиган аоссий талаблардан яна бири уларни ўрнатишда ва ишлатиш жараёнида кам маблағ сарфланадиган бўлишидир.

Шу билан бирга томларни қуришда меҳнат сарфини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилашга олиб келувчи индустрiali усуулларни қўллашга имкон бериши керак.

Қор ва ёмғир сувларининг оқиб кетишини таъминлаш учун томлар нишобли қилиб ўрнатилади. Том нишоби, ёпма материалига ҳамда бино қурилатёган районнинг иқлим шароитларига боғлиқ бўлади. Қор қалин ёғадиган районларда нишоб катталиги, ва том ёпма материали қор қатлами қалинлиги ва уни тушириб юбориш усулига, ёмғир ёғиши кучли бўлган районларда томдан сувнинг тез оқиб кетишини таъминлашга, жанубий районларда эса том ёпма материали қуёш радиацияси таъсирига қараб таналанади.

Томлар одатда қия холатда, нишобли қилиб қурилади. Том ёпмаси билан бинонинг юқориги қавати орасидаги бўшлиқ чордоқ дейилади.

Чордоқ ҳар хил инженерлик жихоз ва ускуналарини марказий иситиш системаси трубалари, вентиляция, (ҳаво тортувчи жихозлар ва шахталар, лифт машина бўлими ва х.) жойлаштириш учун ишлатилади.

Чордоққа кириш учун нарвонлар, эшиклар ва кириш туйнуклари ўрнаштирилади. Кишилар ҳаракатини хисобга олинган ҳолда чордоқ баландлиги 190 см дан кам қилинмайди. Чордоқ ичини ёритиш ва шамоллатиш учун чордоқ деразаси ўрнатилади.

Нишабли томлар шакли бинонинг планига ва меъморий фикрга боғлиқ бўлади. Нишоб бурчаги градусларда ёки фоиз ҳисобида олинади.

Лойихаланаётган Самарқанд шаҳридаги “вилоят ҳокимлиги маъмурий” биносининг томлари – ораёпмага асосланиб нишаб қилиниб лойихаланди. Том Гидроизоллар билан қопланиб сув ўтказмасликни таминлаб беради. Бундай

жойлашган томларнинг қулайиги ташқи тарафга ёғаётган ёмғирни чиқармай балки ички тарафга ёналтирилиб қувурлар орқали канализатсияларга узатишидир.

#### **1.4.7. Поллар**

Поллар темир-бетон қаватлароро ёпма панели устидан ёки ертўласиз бинолар биринчи қаватида тўғридан-тўғри тупроқ устига ўрнатилади. Полнинг энг юқори қатлами “қоплама” ёки “ҳақиқий пол” деб аталади. Пол материали олдиндан тайёрланган юза сатхига ўрнатилади.

Бунда тагига солинган текисловчи қатlam бетондан, цемент-қум қоришимасидан, асфальтдан ёки гиподан иборат бўлиши мумкин.

Қаватлараро ёпмада пол асоси бўлиб, ора ёпма кўтарувчи конструкция ҳисобланади. Бунда тагига солинадиган бетон қатlam бўлмайди. Пол конструкциясига товуш ўтказмайдиган, иссиқлик ва сув ўтказмайдиган қатламлар қўшимча бўлим кириши мумкин.

Бинонинг вазифасига ва ишлаб чиқариш жараёнлари характерига кўра поолар пишиқ бўлиши, иссиқликни кам ўтказувчи, сирпанмайдиган, хўлланганда шишмайдиган, кўриниши чиройли, чанг олмайдиган, юрганда товуш чиқармайдиган, осон тозаланувчан, индустрисал ва арzon бўлиши керак.

Намлик юқори даражада бўладиган хона поллари намлик таъсирига чидамли ва сув ўтказмайдиган, ёнғиндан хавфли биноларда эса ёнмайдиган бўлиши керак.

Пол қурилишига кўра яхлит, қуйма, алоҳида элементлардан қурилган ва букилувчан юмшок рулон материаллардан иборат бўлиши мумкин. Қайси материалдан қилинишига кўра поллар ёғоч тахтали, паркетли, линолеумли, керамик плиткали, цементли қаби турларга бўлинади. Яхлит қуйма полларга цементли пол, мозаик пол, асфальт пол, мастика пол ва тупроқ поллар киради.

Цементли поллар қуришда бетон асос устидан 1:1-1:3 нисбатда қумдан тайёрланган қоришма 20 мм қалинликда ётқизилади. Бундай полларнинг асосий

камчилиги уларнинг чангиши, иссиқлик ўтказувчанлиги ва кўриниши жихатидан чиройли эмаслигидир.

Уларнинг қалинлигини 20 мм га тенг қилиб олинади. Айрим холларда қоришмага ҳар хил бўёқлар қўшилиб, турли рангдаги пол ёпмалари ҳосил қилинади. Ксилолит поллар иссиқ бўлади, ювганда товуш чиқмайди, чангимайди. Уларнинг асосий камчилиги сув таъсирига бардош бера олмаслигидир. Шунинг учун зах, сернам хоналарга (хаммол, кирхона, санитария узеллари ва хоказолар) ксилолит пол қилиш ярамайди.

Мастика поллар синтетик материаллардан қурилиб, бунда майда қум боғловчи модда-поливинил ацетат эмульсияси билан қориширилади ва ундан жуда мустахкам эластик пол ёпмаси олинади. Қалинлиги 2 – 3 мм бўлган мастика пол ёпмасини шлакбетон, цементли, ксилолит қатлами устидан ёки ёғоч қипиқли ҳамда ёғоч қириндили плиталар устидан ётқизиш мумкин. Бундай поллар куруқ хоналарда ишлатилади, у намлик таъсирига чидамсиз бўлади. Нам тупроқ билан қум ва шағал аралашмасини шиббалаб тупроқ поллар ҳосил қилинади.

Ксилолит полларни чоксиз (яхлит) қилиб ёки ксилолит плиткалардан қуриш мумкин.

150 мм ни ташкил этади. Бундай поллар тураг-жой биноларининг ёрдамчи хоналарида ишлатилади, аммо уларни ишлатиш жуда хам чекланган.

Рулон ва бўлак-бўлак материаллардан қурилган полларни кўллаш қурилишда индустрислликни оширади. Полбоп плиткаларни иккита турга бўлиш мумкин: керамик плиткалар ва кошинлар (нақшли плиткалар).

Плиткали полларни ўрнатишда квадрат, ярим квадрат, олти қиррали, саккиз қиррали, тўрт, беш бурчакли ва бошқа керамик плиткалар ишлатилиб, улар бир-биридан ўлчамлари билан фарқ қиласди. Плиткаларнинг қалинлиги 10 ёки 13 мм бўлади. Улар бетон асосга 10-20 мм қалинликдаги цемент қоришима устидан ётқизилади. Керамика материаллари амалжа сув ўтказмайди, қаватлараро ёпмаларни кўтариб турувчи конструкцияларни намдан ҳимоялайди; тез ейилмайди; чангимайди, осон ювилади, кислота ва ишқорлар

таъсирига чидамли, нам сингдирмайди. Уларнинг камчиликлари мўрт ва иссиқ ўтказувчанлигидир, шу сабали турар-жой бинолари полига ётқизилмайди. Бундан ташқари, плиткалар майда бўлганлиги сабабли полга ётқизишга кўп меҳнат сарф бўлади. Шунга қарамай бундай поллар жамоат ва саноат бинолари қурилишида кенг кўламда қўлланилади. Булардан ташқари, қурилиш саноатида гилам нусха кошинларнинг кўпгина хиллари, ишлаб чиқилган, уларнинг ўлчамлари 23x23x6 мм ҳамда 48x48x6 мм бўлади.

Қурилишда ўлчамлари ва қўриниши турлича бўлган полимер плиткалар ҳам кенг кўламда қўлланилади. Поливинил хлоридли, фенолитли ҳамда резина плиткалар энг кўп тарқалган. Плиткалар конструкциясига кўра бирқатламли ва кўп қатламли, шаклига кўра квадрат, тўғри бурчакли, шаклдор, сиртининг ишланиши ва тузилиши хусусиятига кўра устки томони силлиқ ҳамда тарам-тарам бўлади.

Бундай плиткалар билан турар-жой, жамоат ҳамда саноат биноларининг поллари қопланади. Чунки улар мустахкам, намга чидамли, эластик ҳамда овоз чиқармайдиган бўлади. Бундай плиткалар бетон, асфальт бетон ва ксилолит асосли ёки ёғоч қипиқ плиткалар устидан ётқизилади ёки маҳсус мастикалар ёрдамида ёпиштирилади.

Ёғоч поллар қалинлиги 29 мм бўлган шпунтли (ариқчали ва чиқиғли) тахталарни маҳсус ўрнатилган лагаларга қоқиб, ҳосил қилинади. Шпунтли тахталарнинг бир четида шпунтли (ариқчаси) ва иккинчи четида чиқиғи бўлади, бир тахтанинг чиқиғи қўшни тахтанинг ариқчасига тушадиган қилинади. Шпунт ва чиқиқлар тўғри тўрт бурчакли, учбурчакли, трапециясимон ва ёйсимон шаклларда бўлиши мумкин. Тўсинларга ёки ора ёпма қовурғаларига таянган лагалар остига товуш ўтказмайдиган юмшоқ прокладкалар қўйилади. Подвалсиз бинолар биринчи қаватнинг полини қуришида лагалар тупроқ устига ишланган ҳамда бир-биридан 800-1000 мм масофада бўлган томонлари 250x250 мм ли ғишт устунчаларга ўрнатилади. Паркетли поллар заводларда тайёрланган тўртбурчакли тахтачаларни (клепок) бетон ёки ёғоч тахвали асосга териб чиқишдан ҳосил бўлади. Бунда юрганда ғижирламаслиги ва товуш

ўтказмаслигини таъминлаш учун паркет билан тахта асос орасига юпқа картон қофоз ёки икки қават қурилиш қофози ёзилади. Корхоналарда тайёрланган паркет тахталар, кошин, яъни қофозга нақш билан ёпиширилган йифма паркет донали паркетлардан ҳосил қилинган шчитли паркетлар индустрисал ҳисобланади. Паркетлар бетон асосга сувга чидамли синтетик фенолформаллегид ва бошқа елимлар билан ёпиширилади.

Полга ишлатиладиган ҳар қандай бошқа материаллар каби полимер материаллар ҳам анча пишиқ, едирилишга чидамли, сувни кам шимадиган, ташқи кўриниши чиройли ҳамда заҳарли аралашмалардан холи бўлиши зарур. Чоксиз ёки чоклар сони жуда кам бўлган линолеумли қопламалар озода, ювилиши осон, кам едириладиган, эластик ҳамда узоқ муддатга чидамли бўлади. Линолеумлар тураг-жой, жамоат, саноат биноларининг полларига қоплашда ишлатилади; уларнинг поливинилхлоридли (асоси йўқ, асоси мато ва иссиқлик-товуш ўтказмайдиган); полиэфирли (асоси юмшоқ матодан); резинали (релин) ва бошқа турлари бор.

Линолеумлар тахта пол, қипиқ плита ёки цемент қатламли асосга маҳсус мастикалар (биттумли, кумарон-каучукли, казеин цементли в б) ёрдамида елимлаб ёпиширилади. Бунда асосни пухталик билан тайёрлаш керак, акс холда линолеум кўтарилиб қолиши ёки яхши ёпишмаслиги мумкин. Қурилиш амалиётида иссиқлик-товуш ўтказмайдиган, асоси юмшоқ, ғовак матодан иборат бўлган линолеум поллар кўплаб ишлатилади.

Лойиҳаланаётган Самарқанд шаҳридаги вилоят хокимлиги маъмурий биносининг поллари – хоналар номига қараб танланган, сан. узелларда керамик плиткалар, офис хоналарида линолеум, вестибюль холлар и фойеларда «Италлогранит» туридаги юзаси ғадир-будур плиткалар ишлатилган.

Трапли хоналарда полнинг нишабини трапга қараб қилиниши керак.

Линолеум қопламаси бўйича ёғочдан фигурали 50x25 узунлиги 600, п.м. (0,75м<sup>3</sup>) бруслаб ишлатилган.


Плинтусни тозалаб, шпаклевка қилиб эмаль билан бўялиши керак.

#### **1.4.8. Зиналар**

Қаватлараро алоқа зиналар ва лифтлар ёрдамида амалга оширилади. Шу билан бирга зиналардан авария шароитида кишиларни эвакуация қилишда хам фойдаланилади.

Зиналар мустахкам, пишиқ ва одамлар харакати учун қулай ва ҳавфсиз ҳамда ёнгиндан муҳофазаланган бўлиши керак.

Зиналарни бино тархида жойлаштириш, уларнинг сони ва ўлчамлари бинонинг вазифасига, катта-кичиклигига ва белгиланган вақтда кишиларни эвакуация қилиш учун қулайлик таъминланишига қараб аниqlанади. Зиналар марсларидан ва зина майдончаларидан иборат бўлади. Марш конструкцияси ўз навбатида пиллапоя ва уни кўтариб турувчи балка (косоур) дан иборат бўлади. Зина майдончалари қават текислиги ва қаватлар оралиғида жойлашган бўлади. Кишиларни ҳавфсиз кўтарилиши ёки тушиши учун зиналар баландлиги 0,9 м бўлган тутқич панжаралар билан жиҳозланган бўлади.



1- расм.

Зина марши кенглиги авария ҳолатида кишиларни эвакуация қилишни таъминлашни ҳисобга олиб танланади. Шунга кўра асосий зиналар марши кенглиги икки қаватли биноларда камида 900 мм, зиналар марши кенглиги икки қаватли биноларда эса 1050 мм қабул қилинади.

Зина майдончалари кенглиги марш кенглигидан каттароқ, камида 1200 мм қилиб олинади. Юқорида келтирилган қоида ва нормаларга асосан пиллапоя эни 250...300мм, баландлиги эса 150 мм бўлиб, айрим ҳоллардагина 180 мм га боради. Бунда кишиларни ўртача қадами горизонтал ҳолда 600 мм лиги, зинада юришда эса бу катталик 450 мм га тенг эканлиги ( $300 \text{ mm} + 150 \text{ mm} = 450 \text{ mm}$ ) ҳисобга олинади.

Лойиҳаланаётган Самарқанд шаҳридаги “вилоят ҳокимлиги маъмурий” биносининг зиналари монолит темир–бетон зиналардан иборат бўлиб, metall косоур балкаларига таянади.

Металл косоурлар баландлиги 24 мм. бўлган қўштаврли профиллардан тайёрланади.

Бинони ён томонига эса металл эвакуация зинаси лойиҳаланган.

## 2. ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ

Қурилиш конструкциялари - ҳар қандай бино ва сунъий иншоотларни қуриш, турар-жой бинолари, жамоат, саноат ва қишлоқ хўжалик бинолари, кўприклар, катта ҳажмли иморатлар, қувурлар ва иншоотларнинг асоси ҳисобланади. Бино ва иншоотни қуриш учун сарфланган харажатларнинг асосий қисми конструкцияларга тўғри келади.

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган катта ҳажмдаги капитал қурилишлар, қурилиш конструкцияларидан самарали фойдаланиш ривожининг жуда тез жадаллашувига туртки бўлди - конструкцияларнинг турлари ва улардан тайёрланадиган хомашёлар тўхтовсиз такомиллашиб бормоқда. Шу боисдан уларни ҳисоблаш, лойиҳалаш ва тиклаш усууллари ҳам такомиллаштирилмоқда. Қурилишнинг самарадорлигини ошириш йўлларидан бири - унинг конструктив схемаларини ихчамлаштириш ва конструкцияларни типлаштириш асосида, иложи борича кўпроқ тайёрлигини ошириш бўлса, иккинчиси - бу иморатларни рақобатбардош, юқори сифатли, шинам ва вазифавий қулай бўлишини таъминлашdir. Шу туфайли механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган технологик жараёнлами қўллаш билан бир қаторда қурилиш майдончаларида бажариладиган ишларга кенг имкониятлар очиб берилди.

Иншоот ва биноларга таъсир этадиган юклар. Иншоот ва биноларга таъсир этадиган юклар келиб чиқиш сабабига кўра асосан икки гурӯҳга бў- линади.

1. Табиий юклар.
2. Сунъий юклар.

